

VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 12,7 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 12,0 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,5 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,7 фоизи), саноат (14,9 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (13,8 фоизи) ва қурилиш (9,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	12 716	100,0	12 021	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 758	13,8	1 655	13,8
саноат	1 893	14,9	1 794	14,9
қурилиш	1 206	9,5	1 141	9,5
савдо	2 510	19,7	2 319	19,3
ташиш ва сақлаш	499	3,9	472	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	884	7,0	835	6,9
ахборот ва алоқа	183	1,4	155	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	187	1,5	186	1,5
бошқа фаолият турлари	3 596	28,3	3 464	28,8

2017 йил 1 октябрь ҳолатига 10 026 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 4 058 та, оилавий корхона – 362 та, масъулияти чекланган жамият – 5 229 та, акционерлик жамияти – 19 тани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари

1 октябрь ҳолатига



2017 йилнинг январь–октябрида жами 1 706 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 469 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 23,0 фоизи), Ш.Рашидов (14,1 фоизи), Зомин (11,5 фоизи) ва Фориш (10,1 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 28,8 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 19,3 фоизи саноат ва 12,0 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 859 та мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 117 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 13,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2017 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 77 тани ташкил этди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 8 тани ташкил этди. Бунда, АҚШ резидентлари капитали иштирокида – 5 та, Вьетнам – 3 та, Хитой Халқ Республикаси – 2 та, Россия Федерацияси – 2 та, Туркия Республикаси – 1 та, янги корхона тўғри келди.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

2017 йил 1 октябрь ҳолатига

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	77	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5	6,5
Саноат	60	77,9
Қурилиш	2	2,6
Савдо	4	5,2
Ташиш ва сақлаш	3	3,9
Ахборот ва алоқа	1	1,3
Бошқа фаолият турлари	2	2,6

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 77 та корхонанинг 60 таси (77,9 фоизи) – саноат, 5 таси (6,5 фоизи) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 4 (5,2 фоизи) – савдо, 3 (3,9 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 2 (2,6 фоизи) – қурилиш, 2 (2,6 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.